

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ва ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР ҚОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ва ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР ҚОРХОНАСИ**

ТИЛАВОВА ЛОЛА ИНАТИЛЛОЕВНА

**ПОЛИЭТИЛЕНТЕРЕФТАЛАТ ВА ПОЛИОЛЕФИНЛАР
ЧИҚИНДИЛАРИ АСОСИДА РЕСУРСТЕЖАМҚОР КОМПОЗИЦИОН
МАТЕРИАЛЛАР ЯРАТИШ**

**02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резна материаллари кимёси ва технологияси
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тилавова Лола Инатиллоевна

Полиэтилентерефталат ва полиолефинлар чиқиндилари асосида ресурстежамкор композицион материаллар яратиш.....3

Тилавова Лола Инатиллоевна

Разработка ресурсосберегающих композиционных материалов на основе отходов полиэтилентерефталата и полиолефинов 21

Tilavova Lola Inatilloevna

Development of resource-saving composite materials based on polyethyleneterephthalate and polyolefin wastes39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ва ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР ҚОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ва ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР ҚОРХОНАСИ**

ТИЛАВОВА ЛОЛА ИНАТИЛЛОЕВНА

**ПОЛИЭТИЛЕНТЕРЕФТАЛАТ ВА ПОЛИОЛЕФИНЛАР
ЧИҚИНДИЛАРИ АСОСИДА РЕСУРСТЕЖАМҚОР КОМПОЗИЦИОН
МАТЕРИАЛЛАР ЯРАТИШ**

**02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резна материаллари кимёси ва технологияси
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/T2444 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий аниқлашнинг веб-сайтларида (www.dipri.uz) ва «Ziyouet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyoue.com) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муҳаммадиев Баҳодр Фазриддинович
к.т.ф.н. доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Абел Нодира Сайибмонова
техника фанлари доктори, профессор

Адилов Раҳман Иркинович
техника фанлари доктори, д.и.т.

Етказчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация химояси Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.K/T.03.01 рақамли Илмий кенгашининг «1» февраль 2022 йил соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб Утали (Манзил: 100174, Тошкент ш., Мирзо-Галиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; Факс: (99871) 227-12-73, e-mail: fan_va_taraqqiyot@mail.ru, «Фан ва тараққиёт» ДУК, 2-қават, анжуманхона тали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасининг Ахборот-ресурс марказида (рўйхатга олинган №31-21) танишиб чиқиш мумкин. (Манзил: Тошкент ш., Мирзо-Галиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; Факс: (99871) 227-12-73).

Диссертация автореферати «19» январь 2022 йилда тарқатилди.
(2021 йил 25 ноябрдаги №31-21 рақамли рoстр бoйномаси)



С.С. Негматов

С.С. Негматов

Илмий даражалар берувчи илмий
кoнгаши раиси, УхР ФА, т.ф.д., профессор

М.Э. Икромова

М.Э. Икромова

Илмий даражалар берич бўйича
илмий кенгаши аъзоби, т.ф.д., к.и.т.

А.М. Зенитов

А.М. Зенитов

Илмий даражалар берувчи илмий кoнгаш
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда, синтетик полимерларга бўлган эҳтиёж 2020 маълумотларига кўра йилида 350 млн тоннадан ортиқни ташкил этмоқда. Уларнинг орасидан энг катта улуш полиэтиленга (ПЭ) 100,0 млн, кейинги ўринда полиэтилен-терефталатга (ПЭТ) 92 млн тонна, учинчи ўринда полипропиленга (ПП) 72,0 млн тонна, тўртинчи ўринда поливинилхлоридга (ПВХ) - 46,0 млн тонна тўғри келади. Прогнозларга кўра, яқин йилларда полимерларга бўлган талаб сезиларли даражада янада ошади. Бу полимерларга бўлган талабни ортиши ишлаб чиқариш унумдорлигини кенгайтириш билан бирга полимер чиқиндиларини қайта ишлаш технологиясини яратиш ҳамда улар асосида композицион материаллар ва буюмлар олишни тақозо этади. Бундан ташқари яратилган композицион материалларни термик характеристикаларини ҳамда уларнинг физик-механик ва эксплуатацион хоссаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда синтетик полимерлар ва уларнинг чиқиндиларидан композициялар яратиш ҳамда улар асосида композицион материаллар олиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Баъзи маълумотларга кўра, ривожланган мамлакатларда пластмассадан фойдаланиш аҳоли жон бошига йилига 1 тоннагача ошмоқда. Бундай шароитда полимер чиқиндиларини қайта ишлаш ва қайта ишлатиш муаммоси йилдан-йилга кескинлашиб бормоқда. Бу борада айниқса, энг кўп ишлатиладиган полиэтилентерефталат ва полиолефин (полиэтилен, полипропилен) лар чиқиндилари асосида ресерстежамкор композицион материаллар яратиш, полимер композицион материалларнинг тузилиши ва уларнинг механик хоссалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги, уларнинг термик ва эксплуатацион хоссаларини ўрганишга ҳамда уларни қайта ишлашнинг самарали технологияларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда бутун жаҳонда бўлгани каби озиқ-овқат муаммоси ечимига қаратилган тадбирлар натижасида иссиқхоналарнинг кўпайтирилиши ва тоза ичимлик сувига бўлган талабнинг ортиши натижасида полиэтилен, полипропилен ва полиэтилентерефталатга талабни ортишига олиб келди. Бу эса Республикамизда мустақиллик йилларида полиэтилен, полипропилен ва поливинилхлорид ҳамда улар асосида композицион материаллар ишлаб чиқаришга асос бўлди. Бугунги кунда Навоийазот АЖ йилига 100 минг тонна полиэтилен, Шўртан ГКК йилига 125 минг тонна юқори ва паст зичликдаги полиэтилен ҳамда Уюстюрт кимё-газ мажусида йилига 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна пропилен ва полипро-пилен ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»¹ги, 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5368-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта устувор йўналишларидаги ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги № ПФ-4947-сонли Фармони

«Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси» тўғрисидаги Фармонлари ва 2018 йил 20 октябрдаги ПҚ-841-сон «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 15 мартдаги ПҚ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон -2030» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё амалиётида полимер чиқиндилари асосида маҳсулотларни қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришга олимлардан Н.С. Ениколопов, А.А. Тагер, В.Е. Гуль, В.Н. Кулезнев, А.А. Берлин, Ю.С. Липатов, Ю.Л. Морозов, В.С. Левин, В.И. Коростелев, М.В. Базунова, Ю.А. Прочухан, V.Sato Sadoa, Okura Tamaki, Г.А. Пилунов, З.А. Михитарова, Г.М. Цейтлин, С.С. Негматов, А.Т. Джалилов, Г.Р. Раҳманбердиев, С.Ш. Рашидова, М.А. Аскарлов, Ф.А. Магруппов, А.Х. Юсупбеков, Р.И. Адылов, Н.С. Абед, Б.Ф. Мухиддинов, А.С. Ибадуллаев, А.А. Рискүлов ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон шароитида иккиламчи хомашёлар, материаллар ва маҳсулотлар олиш учун полимер чиқиндиларини қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиши ва турли полимер материаллардан фойдаланиш, уларни қайта ишлашда маълум қийинчиликларни туғдирмоқда. Шу боис полиэтилен-полиэтилентерефтлат, полипропилен-полиэтилентерефтлат асосида композиция тайёрлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, кейинчалик улар асосида самарали атроф-муҳит муҳофазасини таъминловчи материаллар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонаси илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №Ф-73-«Турли хил мақсадга йўналтирилган самарали композицион полимер материалларни олиш учун композициялар компонентларини физик-кимёвий ўзаро таъсир механизмини тадқиқ этиш ва уларнинг хоссаларини ўзгариши ва бошқарилиш қонунятларини ўрганиш» (2017-2020 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади полиэтилентерефтлат ва полиолефинлар чиқиндилари асосида ресурстежамкор композицион материаллар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

полимер чиқиндиларининг суёқланмасидан композициялар олиш учун бир шнекли лаборатория экструдерини яратиш;

полимер чиқиндилари суёқланмалари асосида композициялар яратиш;
яратилган композицияларнинг механик хоссаларини ва тузилишини замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллар ёрдамида тизимли тадқиқ қилиш;
яратилган композициялар асосида материаллар, буюмлар олиш ва уларнинг баъзи хоссаларини тадқиқ қилиш;

полимер чиқиндиларини қайта ишлаш ва улар асосида буюмлар ишлаб чиқаришнинг илмий-услубий принципларини яратиш;

композицион полимер материаллар ишлаб чиқаришнинг технологик линиясини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида полиэтилентерефталат, полиэтилен, полипропилен чиқиндилари, турли нисбатдаги ПЭТФ:ПЭ ва ПЭТФ:ПП композициялари олинган.

Тадқиқотнинг предмети композициялар, композицион материаллар ва улар асосида тайёрланган маҳсулотларнинг олиниши ва хоссаларини тизимли тадқиқ қилиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда комплекс физик-кимёвий таҳлил усулларида ИҚ-спектроскопия, рентген фаза анализи, дериватография ва стандарт анализ усуллардан фойдаланилган

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

полимер чиқиндилари суёқланмасидан композициялар олиш учун бир шнекли лаборатория экструдери ишлаб чиқилган;

яратилган полимер композицион материалларнинг тузилиши ва уларнинг механик хоссалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар аниқланган;

яратилган композицияларнинг термик характеристикалари, уларнинг парчаланиш температурасининг бошланиши, парчаланиш тезлиги ва парчаланиш учун сарфланган энергия миқдорлари аниқланган;

яратилган композициялар асосида материаллар ва буюмлар олиниб, улар илк бор машинасозлик корхоналарида фойдаланиш учун тавсия этилган;

полимер чиқиндиларини қайта ишлаш ва улар асосида буюмлар ишлаб чиқаришнинг илмий услубий принциплари яратилган;

композициялардан композицион полимер материаллар ишлаб чиқаришнинг технологик линияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ПЭТФ, ПЭ ва ПП чиқиндилари асосида фойдаланиш учун юқори сифатли хомашё олинган;

композиция, материаллар ва улар асосида буюмлар таркибий қисмлар физик-кимёвий ва физик-механик хоссаларига компонентлар миқдори таъсири қонуниятлари аниқланган;

полимер чиқиндиларини қайта ишлаш ва улар асосида буюмлар ишлаб чиқаришнинг илмий услубий принциплари ҳамда композициялардан композицион полимер материаллар ишлаб чиқаришнинг технологик линияси яратилган;

Полиэтилентерефталат, полиэтилен ва полипропилен чиқиндиларидан полимер композицион материаллар ва буюмлар олиш ҳисобига атроф-муҳитни экологик муаммолари ҳал қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларда олиб борилган, ўтказилган кўп сонли экспериментларнинг натижаларини қониқарли мутаносиблиги ва миқдорий тасдиқлаш, дериватография, ИҚ-спектроскопия, рентгенофазовий таҳлил, узиш машинаси ва бошқалар каби замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти композицияни тизимли ва таркибий қисмларнинг миқдorigа боғлиқлиги, шунингдек ишлаб чиқилган композицияларнинг термик, морфологик ва физик-механик хоссаларини асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган композициялар асосида материаллар ва буюмлар ишлаб чиқариш, шунингдек, машинасозлик корхоналари учун детал (қисм) лар ишлаб чиқаришда яратилган композициялардан фойдаланиш ҳамда мева ва сабзавотлар учун идишлар ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Полиэтилентерефталат ва полиолефинлар чиқиндилари асосида ресурстежамкор композицион материаллар яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

полиэтилентерефталат билан полиолефинлар чиқиндилари асосида машинасозлик деталларини ишлаб чиқариш учун ресурсларни тежайдиган композициялар «Навоий кон-металлургия комбинати» ДКда жорий қилинган («Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат корхонасининг 2021 йил 5 ноябрдаги 02-06-07/10673-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич композицияларга нисбатан эксплуатацион хоссалари 1,2-1,4 баробар юқори бўлган деталлар олиш имконини берган;

юқори эксплуатацион хоссаларга ва арзон нархдаги композицион материаллар «Навоий кон-металлургия комбинати» ДКда амалиётга жорий қилинган («Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат корхонасининг 2021 йил 5 ноябрдаги 02-06-07/10673-сон маълумотномаси). Натижада мева ва сабзавотларни сақлаш ва ташиш учун идишлар ишлаб чиқаришдан йилига 1,5 млрд сўмдан ортиқ иқтисодий самарага эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та Республика миқёсидаги ва 5 та халқаро конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 6 та мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (PhD) асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан Республика нашрларида 5 та ва хорижий журналларда 1 та мақола нашр этилган ҳамда 1 та ЭҲМ учун дастур гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифлаган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Полимер материаллардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ва уларнинг чиқиндиларини халқ хўжалигида қайта ишлаш муаммолари»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлилига кўра, полимер материаллари ва улардан тайёрланган маҳсулотларни халқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳолати ва таҳлили аниқланган, дунё бўйича ҳар йили катта миқдорда қаттиқ чиқиндилар пайдо бўлиши келтирилган, бу кўрсаткич Россия Федерациясида 7 миллиард тоннага тўғри келади, унинг ҳудудида 80 миллиард тоннадан ортиқ қаттиқ чиқиндилар тўпланган, уларнинг баъзилари токсиклик, канцерогенлик, мутагенлик, юқори реакцион қобилиятли ва ёнғин хавфлилик каби хусусиятларга эга.

Статистик маълумотларга кўра, олинган полимер чиқиндилари таркибида масса улушида 34 % ПЭ, 20,4% ПЭТФ, 17 %-қоғоз ва картон асосидаги комбинацияланган материаллар, 13,6 %-ПВХ, 7,6 % полистирол, 7,4 %-полипропилен чиқиндиси ҳисобланади. Йиғиш ва қайта ишлашнинг энг юқори даражаси ПЭ-20 %, ПП-17 %гача, ПВХ чиқиндилари кўпи билан 10 %, ПС-12 %, ПЭТФ - тахминан 15 % чиқиндилари қайта ишланади.

Полиэтилентерефталат чиқиндиларини қайта ишлашнинг кўмиш, ёқиш, термик парчалаш каби мавжуд усуллари таҳлили берилган. ПЭТФ чиқиндиларини кимёвий қайта ишлаш гликолиз ҳисобланади. Тўйинмаган кўп асосли кислоталар ёки уларнинг ангидридлари қўшилган иккиламчи ПЭТФ гликолиз ва поликонденсациялаш нисбатан арзон тўйинмаган полиэстер смолалар олиш ва эструзия қилишга қаратилган. Полиэтилентерефталат чиқиндиларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ва унинг полиолефинлар билан ҳосил қилган композициялари ҳам таҳлил қилинади.

Келтирилган материаллар таҳлили шуни кўрсатадики, иккиламчи ПЭТФ асосан боғловчи ва қадоқлаш материали кўринишидаги толалар, плёнкалар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Melt-blown технологияси асосида олинган ПЭТФ материалдан тайёрланган толалар шовқин изоляцион материаллар, геотекстил, филтрлаш ва ютувчи элементлар, синтефон ишлаб чиқариш учун ишлатилади.

Диссертациясининг «**Чиқиндилар асосида композицион материаллар ишлаб чиқариш учун тадқиқот объектлари ва усулларини танлаш**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот усуллари ва объектлари, бошланғич материалларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ва ИҚ спектроскопияси, термик усуллар, иссиқликка чидамлилик, суюқланманинг оқувчанлик кўрсаткичи, механик хоссалар, рентгенофаза таҳлил ҳамда тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш услуби ҳам келтирилган.

Диссертациянинг «**Полиэтилентерефталат ва полиолефинлар чиқиндилари асосида композициялар яратиш**» деб номланган учинчи бобида полиолефинларни ПЭТФ чиқиндилари асосида композициялар ишлаб чиқариш ва уларнинг айрим теплофизик, технологик ва мустаҳкамлик хоссаларини ўрганишга бағишланган.

Термопластик полимер материаллар асосан суюқланмадан маҳсулотларга қайта ишланади. Полимер материаллар суюқланмасининг характеристикалари суюқланиш температурасининг қиймати ($T_{\text{суюқ}}$) ва суюқланманинг оқувчанлик кўрсаткичи (СОК) билан баҳоланади.

Суюқланманинг оқувчанлик кўрсаткичини аниқлаш учун стандарт шароитда тажрибалар ўтказилди ва унинг натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Полиэтилен ва полипропиленнинг суюқланмаси оқувчанлик кўрсаткичи (СОК) га, суюқланманинг қовушқоқлигига, суюқланиш температурасига ($T_{\text{суюқ}}$) ва Вика бўйича иссиқликка чидамлигига ПЭТФ миқдорини таъсири

Кўрсаткичлар	ПП	ПЭТФ миқдори, масс. %					ПЭТФ
	100	5	10	15	20	30	100
СОК, г/10 мин	4,0	3,7	3,4	3,1	2,7	2,3	3,9
Суюқланма қовушқоқлиги $\text{Па}\cdot\text{с}\cdot 10^{-3}$	24786	26795,6	29160,0	31981,9	36720,0	43106,1	36277
$T_{\text{суюқ}}$, °С	145	149	153	156	161	166	251
Вика бўйича иссиқликка чидамлилик, °С	145,0	146,4	148,0	149,7	155,5	167,0	192
СОК, г/10 мин	(ПЭ) 11,0	10	9	7,6	6,5	4,9	3,9
Суюқланма қовушқоқлиги $\text{Па}\cdot\text{с}\cdot 10^{-3}$	9200	9914,4	11016,0	13045,3	15252,9	20223,5	36277
$T_{\text{суюқ}}$, °С	138	140	144	147	153	158	250
Вика бўйича иссиқликка чидамлилик, °С	81	83	85	86	88	89	192

Тадқиқот натижаларига кўра, (1-жадвал) полиэтилен ва полипропилен таркибига полиэтилентерефталат чиқиндилари қўшилиши натижасида суюқланманинг оқувчанлик кўрсаткичи қиймати бирмунча камаяди. Масалан,

10 ва 20% масса ПЭТФ чиқиндилари (иккиламчи) қўшиш натижасида, полиэтилен ва полипропилен СОК и мос равишда 9 г/10 мин дан 6,5 г/10 мин гача ва 3,4 г/10 мин дан 2,7 г/10 мин гача камаяди. Бу қийматлар дастлабки полимерлар ПЭ-11,0 ПП-4,0 г / 10 мин, ва ПЭТФ 3,9 г / 10 мин га тенг.

Суюқланманинг оқувчанлик кўрсаткичи қийматига кўра суюқланманинг эффектив қовушқоқлиги ҳисобланди, кўриниб турибдики (жадвал.1) СОК қийматининг камайиши билан композицияларнинг эффектив қовушқоқлиги ортади. Бу полимер макромолекулаларидаги молекулалараро ўзаро таъсирларнинг камайиши билан боғлиқ.

Дастлабки полимерлар (ПЭ, ПП, ПЭТФ) ва улар композицияларининг суюқланиш температуралари ҳам аниқланди, уларнинг натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, (1-жадвал) ПЭ ва ПП таркибида ПЭТФ миқдорининг ортиши ПЭ ва ПП нинг суюқланиш ҳароратини ошишига олиб келади. Мисол учун, ПЭТФнинг 10 ва 20 % масса улушида полиэтиленнинг $T_{\text{суюк}}$ мос равишда 144 ва 151 °С га, ППда эса бу кўрсаткич 153 ва 161 °С га тенг.

Полимер материалларни амалда қўллашни тавсифловчи параметрлардан бири иссиқликка чидамликдир. ПЭТФ билан ПЭ ва ПП миқдорининг иссиқликка чидамлиги Вика усули билан баҳоланган маълумотлар 1-жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, ПЭ ва ПП композицияларининг иссиқликка чидамлиги табиий равишда ортади. Бу ПЭ (ПП) макромолекулаларининг ПЭТФ билан молекулалараро ўзаро таъсирининг бир мунча ортиши билан изоҳланади.

Инкрементлар усули билан суюқланиш ҳарорати, полимерлар ва унинг композициясининг бошланғич парчаланиш ҳарорати (Тб.п.т.) молекулаларни жойлашиш коэффиценти ва Гильдебранд эрувчанлик параметрлари ҳисобланди, натижалари 2-жадвалда келтирилган.


Инкрементлар усули билан парчаланишнинг бошланиш температураси, молекуляр жойлашиш коэффиценти ва Гильдебранд эрувчанлик параметри назарий жиҳатдан ҳисобланди. Тажриба натижалари ва ҳисобланган маълумотлар ўртасида яхши корреляция мавжудлиги аниқланди.

Полиэтилентерефталат ва полиэтилен (полипропилен) чиқиндилари асосида ишлаб чиқилган композицияларнинг термик хоссалари дериватография усули билан текширилди. 1-расмда иккиламчи полиэтилен билан полиэтилентерефталат мидорини динамик термогравиметрик эгри чизиғи (ДТГА), термогравиметрик ҳосиласи (ТГП) ва дифференциал сканер калориметрияси (ДСК) таҳлили натижалари келтирилган.

ДТГА эгри чизиқларини ўрганиш, натижаларини таҳлил қилиш, (1-расм, 1-эгри чизиқ) асосан, битта сигмоиддан иборат эканлигида кўринади, бу жараён 350°С дан 525°С гача бўлган ҳарорат оралиғида бир босқичда содир бўлишини кўрсатади, масса йўқотилиши эса 90,20% ни ташкил этади.

Гомополимерлар (полипропилен, полиэтилен ва полиэтилен терефталат) ва улар композицияларининг айрим хусусиятларини тажрибада олинган ва ҳисобланган қийматлари

Композицияда ПЭТФ микдори, масс. %	Т _{суюк} , °С		Т _{п.т.б.} , °С		Полимер зичлиги, г/см ³ , (тажр.)	Молекулаларни жойлашиш коэффициенти, (ҳисоб.)	Гильдебранд эрувчанлик параметри каль/см ³ (ҳисоб.)
	Тажриба	Ҳисоблан	Тажриба	Ҳисобланган			
0 (ПП)	145	150	296	289	0,9371	0,689	10,7
5	149	155	288	280	0,9592	0,679	10,6
10	153	169	286	277	0,9815	0,649	10,5
15	156	175	279	271	1,0036	0,634	10,4
20	161	180	274	268	1,0258	0,629	10,3
30	166	185	272	264	1,0702	0,621	10,2
100(ПЭТФ)	251	273	315	296	1,3807	0,693	10,1
0 (ПЭ)	121	137	438	431	0,9371	0,677	9,5
5	123	155	435	429	0,9817	0,679	8,4
10	128	169	427	420	0,9808	0,645	8,7
15	131	180	408	416	0,9802	0,612	9,0
20	136	188	420	428	0,9791	0,594	9,2
30	140	202	428	435	0,9821	0,573	9,4
100(ПЭТФ)	251	273	315	296	1,3807	0,693	10,1



1-ДТГА эгри чизиғи; 2-ТГП эгри чизиғи; 3-ДСК эгри чизиғи; 4-эгри (ҳарорат чизик)


1-расм. Полиэтилентерефталатнинг иккиламчи полиэтилен билан ПЭТФ:ПЭ 30:70 композицияларининг дериватограммаси

Парчаланиш асосан 100 °С да бошланиб, ПЭТФ ва ПЭ нинг бошланғич полимерлари учун 5,49 ва 4,16 % да мос равишда бошланади. Ҳарорат ортиши билан дастлабки полимерларнинг парчаланиш тезлиги ортади. Полимерларнинг интенсив парчаланиши асосан 200°С дан кейин содир бўлади ва 400-450°С да максимумга етади, масса йўқотилиши эса ПЭТФ учун 35,98 %

ва 98,42 % ва ПЭ учун 5,41% ва 40,83% ни мос равишда ташкил этади. Бундан келиб чиқадики, полиэтилен полиэтилентерефталатга нисбатан анча термик жиҳатдан барқарор бўлади.

ПЭТФ:ПЭ_(икки.) 30:70 композициясининг ТГП эгри чизиғини таҳлили шуни кўрсатадики, (1-расм, 2-эгри чизиқ) термик парчаланиши 400-500°C ҳарорат оралиғида юқори тезликда боради. Масалан, 400°C да 3,449 мг/мин, 450°C 4,534 мг / мин ва 500°C да 5,643 мг/мин.

Иккиламчи полиэтилен билан иккиламчи ПЭТФ ва ПЭ композицияларининг ДСК эгри чизиқлари ҳам таҳлил қилинди. Дастлабки ПЭ нинг ДСК эгри чизиғи таҳлили (2-расм, 1-эгри чизиқ) тўртта эндотермик ва учта экзотермик чўққилардан иборат эканлиги кўринади.




2-расм. Иккиламчи полиэтилен (1) ва иккиламчи полиэтиленни ПЭТФ (ПЭТФ: ПЭ 30: 70) (2) билан композициясини ДСК эгри чизиғи

125°C да эндоэффектнинг биринчи чўққиси ПЭ макромолекулаларнинг кристалларининг суюқланиши ва 339°C, 448°C ва 462°C температураларда эндоэффектлар полимерни термик парчаланишни кўрсатади, 339°C ва 448°C да термооксидли парчаланиши кучсиз углерод-углерод боғларнинг узилиши билан содир бўлади ва 462°C даги эндотермик чўққи этилен ҳосил бўлиши билан полиэтиленнинг деполимерланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. 237°C, 390°C ва 504°C температуралардаги экзотермик чўққилар эса полимернинг термооксидли деструкциясига тегишли бўлади.

ПЭТФ билан ПЭ композициясининг ДСК эгри чизиғи таҳлил қилинганда (2-расм, 2-эгри чизиқ), эгри чизиқ асосан учта эндотермик ва учта экзотермик чўққилардан иборат. 122°C ва 232 °C температуралардаги биринчи ва иккинчи чўққилар ўз навбатида ПЭ ва ПЭТФ кристалларининг суюқланишига, 227°C, 406°C ва 534°C температуралардаги экзотермик чўққилар эса полимер композицияларининг термооксидли деструкцияга хосдир.

ИҚ-спектроскопик усули полимер ва композицион полимер материалларнинг тузилишини аниқлаш учун кенг қўлланилади.

Иккиламчи полиэтилен билан полиэтилентерефталат композицияларининг ИҚ-спектрлари олинди, уларнинг спектри 3-расмда келтирилган.



3-расм. Иккиламчи полиэтилен билан ПЭТФ 30:70 нисбатдаги композициясининг ИҚ спектри

Маълумки, полиэтилентерефталат полимери таркибида эфир гуруҳи – COO -ва этилен гуруҳи $-\text{CH}_2-\text{CH}_2-$, бензол ҳалқаси мавжуд бўлади. Булар полимернинг ИҚ спектрларида 3649 см^{-1} , 3630 см^{-1} , 3433 см^{-1} соҳаларда ютилиш чизиқлари кузатилиб, уларни COO -полиэфир гуруҳларига тегишли бўлган деформацион тебранишларга тегишли дейиш мумкин. Бу гуруҳларнинг валент тебранишлари 1720 см^{-1} , 1701 см^{-1} соҳаларида намоён бўлади. Кучсиз интенсивликдаги ютилиш чизиқлари бензол ҳалқасининг $-\text{CH}$ гуруҳига тегишли 1577 см^{-1} ва 2808 см^{-1} соҳасида, шунингдек спектрда кузатиладиган $-\text{CH}_2-\text{CH}_2-$ гуруҳи учун 3018 см^{-1} ва $980-880\text{ см}^{-1}$ соҳаларда кузатилди (кучсиз интенсив.).

ПЭ нинг ИҚ-спектрларини таҳлил қилганда CH_2 гуруҳга тегишли бўлган маятниксимон тебранишлар 720 см^{-1} , алифатик- CH_2 гуруҳларининг валентли симметрик тебранишлари 2839 см^{-1} , алифатик- CH_2 гуруҳларининг 2870 см^{-1} , 2958 см^{-1} валент ассиметрик тебранишларига хос ютилиш чизиқлари кузатилди.


Бу композиция намуналарининг ИҚ-спектрларида ютилиш чизиғининг айрим соҳаларида қисман ўзгариш кузатилади. Дастлабки полимерлардан фарқли равишда 972 см^{-1} ($-\text{CH}_2-\text{CH}_2-$) ва 1411 см^{-1} ($-\text{CH}_2$ деформацияси) соҳасида композициялар спектрларида ютилиш чизиқлари пайдо бўлади, композицияларда ПЭ миқдори ортиши билан чўкки (пик) интенсивлиги 50:50 нисбатгача ортади, кейин камаяди.

$=\text{C}=\text{O}$ гуруҳининг тебранишларида ютилиш чизиқлари 1720 см^{-1} дан 1698 см^{-1} ва 1780 см^{-1} гача силжиши ҳам мавжуд. $3000-2830\text{ см}^{-1}$ ($-\text{CH}_2-\text{CH}_2-$ ва антисимметрик ютилиш $=\text{CH}_2$) соҳасида интенсивлиги ёйиқ (пологий) максимум ҳосил қилади.

Полимер композицион материалларнинг қўлланиш соҳаларини белгиловчи энг муҳим хоссаларидан бири уларнинг физик-механик хусусиятларидир. Шу муносабат билан полиолефин чиқиндилари (полиэтилен, полипропилен) билан полиэтилентерефталат чиқиндилари

асосидаги композицияларнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш алоҳида қизиқиш уйғотди.

Полиолефинлар (полиэтилен, полипропилен) механик хоссаларини ПЭТФ миқдорига қараб, ўзгартириш экстремал характерга эга бўлади. Полимер таркибига маълум бир миқдорда ПЭТФ қўшилиши (4-расм) чўзилиш вақтидаги мустаҳкамлик ошишига олиб келади. Таркибда ПЭТФ миқдорининг кейинги ортиши чўзилиш пайтида мустаҳкамликнинг аста-секин пасайиши билан кечади.



1-узилишдаги мустаҳкамлик; 2-узилишдаги нисбий чўзилувчанлик;
3-букилишдаги эластиклик модули

4-расм. Иккиламчи полиэтиленни механик хоссаларига полиэтилентерефталат чиқиндилари миқдорини таъсири

Узилишдаги мустаҳкамликнинг тартибсиз ўзгаришини асослаш учун ПЭТФ: ПЭ (иккиламчи) композициялари рентген фазали усул ёрдамида ўрганилди. Тадқиқот натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ПЭТФ миқдорининг ортиши билан кристалланиш даражаси ошади. Масалан, 30% ПЭТФ тутган иккиламчи ПЭ кампозициясининг кристалланиш даражаси 65,27%, 40%, 50% ва 60% да эса 64,91%, 66,51% ва 66,15% ни мос равишда ташкил қилади. Шундай қилиб узилишдаги мустаҳкамликни ўсиши ва камайиши, шубҳасиз макромолекулалар тартиблигининг ортиши ва полимернинг кристалланиш даражасининг ортиши билан боғлиқ бўлиб, буни рентген фазали таҳлил натижалари маълумотидан кўришимиз мумкин (3-жадвал).

Узилишдаги мустаҳкамликни камайиш сабаби намунани микробирхиллик бўлмаслиги ёки микрогетерогенлигидан излаш лозим, чунки берилаётган юк намуна бўйлаб бир текисда тақсимланмайди ва айрим қисмларида сезиларли даражада катта бўлади.

Пайдо бўлган микроёриқлар тез ўсиб боради ва бутун намуна бўйлаб тарқалади, бу эса ўз навбатида полимер кампозитнинг мустаҳкамлигини пасайишига олиб келади.

**Полиэтиленни кристалланиш даражасинининг ПЭТФ миқдорига
боғлиқлиги**

Полимер номи	ПЭТФ миқдори, масс.%	Кристалланиш даражаси, %
Полиэтилен	0	38,32
	10,0	51,99
	20,0	56,57
	30,0	53,29
	40,0	51,32
	50,0	53,51
	60,0	53,65
	70,0	53,31
	80,0	49,13
	90,0	49,18

Диссертациянинг «Полимер чиқиндилари асосида композит полимер материаллар олиш технолгияси ва яратилган таркибларнинг амалий ва иқтисодий аспекти ва уларнинг техник-иқтисодий самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида кўп сонли таҳлиллар асосидаги тадқиқот натижалари келтирилган, полимер чиқиндилари асосида улардан композицион полимер материаллари ва буюмлари олишнинг илмий-методик принциплари ишлаб чиқилган.

Полимер материаллар чиқиндиларидан композитлар олиш учун бир шнекли экструдер ишлаб чиқилди ва тайёрланди. Экструдернинг асосий қисми шнек.

Одатда экструдерларда учта геометрик соҳалар (зона) билан фарқланади: I-таъминлаш; II-суюқлантириш (қисиш); III-босим бериш (нормалаш). Қандайдир ускуна тайёрлашда авваламбор агрегатнинг техник имкониятларини дастлабки ҳисоблашларини амалга ошириш зарур.


Бизнинг ҳолатимиздаги турлича сондаги айланишларда винт найидаги нормаловчи гомогенлаш соҳасини (зона) силжиш тезлиги V_c ни аниқлаймиз, силжиш тезлиги (сек^{-1}) ифодаси қуйидаги кўринишга эга:

$$V_c = \frac{\pi n}{60} \left(\frac{D}{h} - 2 \right)$$

5-расмда V_c ни шнек айланиши сонига, унинг турлича диаметрида, боғлиқлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, (5-расм) шнекни айланиш сони ва диаметрини ошиб бориши билан, силжиш тезлиги ҳамда қайта ишланадиган полимер маҳсулотининг чиқиш унуми ҳам ортади.


Шнекнинг чиқиш жойидаги босимнинг турлича қийматларида Р-20, 40, 60 $\text{кг}/\text{м}^2$ ва ундан кўпроқ бўлганда, шнекнинг каналида суюқланманинг тескари оқими ҳисобланади.



5-расм. Силжиш тезлигининг турлича диаметрли шнекни айланиш сонига боғлиқлиги

$$Q_s = \frac{bh^3}{12L} \cdot \sin\varphi \cdot \cos\varphi \cdot \frac{p_1}{M_{\text{эфф}}}$$

L-катталигини билган ҳолда, одатда гомогенловчи соҳа узунлиги сифатида олинади, яъни 3-5 винт иплари (арқонлари) тўғри оқим қиймати, тескари оқим қийматларидан чиқариб (ҳисоблаб) P-Q (унумдорлик босими) координаталар системасида шнекни ҳар бир айланишлар сони учун пасаяувчи тўғри чизиқ олинади (6-расм).




6-расм. Айлана (думалок) най орқали экструзиялашда ишлаб чиқариш унумдорлигини назарий эгри чизиқларини босимга, шнекни турли сондаги айланишларидаги массага ва чиқиш жойидаги туйнук ўлчамига боғлиқлиги

Шнекни ишлаш тартиби (график) ва чиқиш жойидаги туйнукни ишлаш тартибини бирлаштириб, ушбу эктрузион машинани тўлиқ диаграммасини олинади (6-расм).

Бу диаграмма етарлича аниқликда (± 5) машинанинг унумдорлиги ва босим бўйича техник имкониятларини кўрсатади ҳамда машинани механик

ҳисоблашларига асос бўлиб, шнек, цилиндр ва чиқиш жойидаги туйнук хизмат қилади.


Назарий ва экспериментал натижалар асосида биз полимер суюқланмаларидан композиция олиш учун бир шнекли лаборатория экструдери қурилмаси яратилди (7-расм).



7-расм. Шнекли экструдернинг умумий кўриниши

Композицион полимер материалларини олиш ва ичимлик идишларини сақлаш ва ташиш учун таралар ҳамда машинасозликда қўлланиладиган қисм (детал)ларни, улардан куйма шаклида олиш учун технологик линия ишлаб чиқилди.

Композит полимер материалларни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари узлуксиз схемада амалга оширилади.



1-ПЭТФ чиқиндилари сақланадиган омбор; 2-ПЭ(ПП) чиқиндилари сақланадиган омбор; 3-ПЭТФ чиқиндиларини майдалаш учун майдалагич; 4-ПЭ, ПП чиқиндилари учун майдалагич; 5,7,10-дозаторлар (оғирлик бўйича ўлчовчи); 6-аралаштиргич; 8-қиздирувчи экструзион аралаштиргич; 9-қадоклаш тараси; 11-қуйиш машинаси; 12-пресс-форма; 13-тайёр маҳсулотлар учун аравачалар.

8-расм. Композициялардан композицион полимер материаллар ишлаб чиқаришнинг технологик линияси

Ичимлик идишларини сақлаш ва ташиш учун таралар ҳамда машинасозликда қўлланиладиган деталларнинг композицион полимер материаллари ва контейнерларини ишлаб чиқариш бўйича технологик линиянинг тавсифи:

1 ва 2 омборлардан ПЭТФ ва ПЭ (ПП) чиқинди материаллари мос равишда майдалаш машиналари 3 ва 4 га киради. Маълум вақт ичида ПЭТФ ва ПЭ (ПП) чиқинди материаллари маълум дисперсиягача майдаланади. Полиэтилентерефталат ва полиэтилен (ПП) дисперсиялари 4 ва 5 дозаторлар орқали керакли миқдорда аралаштиргич 6 га олдиндан аралаштириш учун берилади. Майдаланган аралашмалар композиция ҳосил қилингандан сўнгра улар 11 қиздирувчи экструдер аралаштиргичга гомоген масса ҳосил бўлиши учун узатилади. Бу ҳолатда аралаштириш жараёни аралашманинг таркибий қисмларини 130-150°C температурада қиздириш билан бир вақтда содир бўлади. Аралашманинг таркибий қисмларини аралаштириш вақти аралашманинг таркибига қараб 5-10 дақиқани ташкил этади. Кўп ҳолларда аралаштиришда аралашмага ҳар хил заррачалар ва ҳаво киришининг олдини олиш мақсадга мувофиқ бўлиб, уларнинг мавжудлиги таркиб мустаҳкамлигининг камайишига олиб келади. Экструзион аралаштиргичдан 8 дан, таблеткалар шаклидаги таркибнинг ҳосил бўлган аралашмаси қадоқлаш камераси 9 га ўтади ёки дархол 10 дозатор орқали қарши қуйиш машинаси 11 нинг конвеерига юкланади.

Шундай қилиб, полимер маҳсулотлар композициялари жараёнининг барқарорлигини, зарур ўлчовлар аниқлигини ва қўшимча механик қайта ишлашларни назарда тутувчи маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлайдиган босим остида қуйиш усули орқали тайёрланди.

Полимер ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида ишлаб чиқилган композициялардан машинасозликда ишатиладиган маҳсулотларнинг бир қатор қисмлари (деталлар) (зичлаштиргич, сепгич, қопқоқ) ни ишлаб чиқаришдан олинган иқтисодий самарадорлик 64 млн сўмдан ортиқни ҳамда мева ва сабзавотларни сақлаш ва ташиш учун пластмасса идиш (тара) лар ишлаб чиқаришда эса йилига 1,5 млрд сўмни ташкил этди.

ХУЛОСАЛАР

1. Полиолефин чиқиндилари (полиэтилен, полипропилен) билан полиэтилентерефталат чиқиндилари асосида композицияларнинг оптимал таркиби ишлаб чиқилди.

2. Полиолефинлар таркибида полиэтилентерефталат миқдори ортиши билан суюқланманинг оқувчанлик кўрсаткичи камайиб, эффектив қовушқоқлиги ошиши аниқланди.

3. Гильдебранд эрувчанлик параметри (δ) инкремент усули билан ҳисобланиб, унинг эрувчанлик параметри - δ кўрсаткичларига кўра полипропилен полиэтиленга нисбатан полиэтилентерефталат билан аралаштириш даражаси (совместимости- мосланувчанлик) юқори эканлиги аниқланди.

4. Композицияларнинг парчаланиш бoшланиш температуралари, парчаланиш тезликлари ва парчаланиш учун сарфланган энергия миқдорларининг полиэтилентерефталат миқдorigа бoғлиқлиги ҳамда полиэтилентерефталатнинг миқдори ошиши билан ПЭТФ:ПЭ ва ПЭТФ:ПП композицияларини парчаланишининг бoшланғич температурасининг пасайиши аниқланди.

5. Полимер ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида композицион полимер материаллар ишлаб чиқаришнинг илмий-услубий асослари ишлаб чиқилди.

6. Полимер материаллардан олинган чиқиндиларни суюқланмадан экструзия йўли билан қайта ишлаш учун модул қурилма яратилди ва ишлаб чиқилди.

7. Композицион полимер материаллар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар учун технологик регламент ҳамда уларни амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИТАРНОГО
ПРЕДПРИЯТИЯ «ФАН ВА ТАРАККИЁТ» ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ
«ФАН ВА ТАРАККИЁТ»
ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО ТЕХНИЧЕСКОГО
УНИВЕРСИТЕТА имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

ТИЛАВОВА ЛОЛА ИНАТИЛЛОЕВНА

**РАЗРАБОТКА РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩИХ
КОМПОЗИЦИОННЫХ МАТЕРИАЛОВ НА ОСНОВЕ ОТХОДОВ
ПОЛИЭТИЛЕНТЕРЕФТАЛАТА И ПОЛИОЛЕФИНОВ**

**02.00.07 - Химия и технология композиционных, лакокрасочных и резиновых
материалов (технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент– 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2021.4.PhD/T2444 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Государственном унитарном предприятии «Фан ва тараққийёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета по адресу www.fan.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyouvet» по адресу www.ziyouvet.uz.

- Научный руководитель:** Мухиддинов Бақодир Фатридинович
доктор химических наук, профессор
- Официальные оппоненты:** Абед Нодира Сайибжоновна
доктор технических наук, профессор
Адилев Раъшан Иркинович
доктор технических наук, доцент
- Ведущая организация:** Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «1» февраля 2022 года в 11⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.K/T.03.01 при ГУП «Фан ва тараққийёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Галиба, 7а. тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: fan_va_taraqqiyot@mail.ru, на здании «Фан ва тараққийёт» ГУП, 2 этаж, зал конференций).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУП «Фан ва тараққийёт» (Зарегистрированный номер №31) (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Галиба, 7а. Тел. (99871) 246-39-28, факс: (+99871) 227-12-73).

Автореферат диссертации разослан «19» января 2022 года.
(протокол реестра №31-21 от 25 ноября 2021 года).




С.С. Негматов
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, академик АН РУз, д.т.н., профессор


М.Э. Икрамова
Член секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., с.н.с.


А.М. Эзипов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире по сведениям 2020 года потребление синтетических полимеров превышает более 350 млн. тонн. Среди них наибольшая доля приходится на полиэтилен (ПЭ) 100,0 млн тонн, следующее место – полиэтилентерефталат (ПЭТФ) 92 млн тонн, на третьем месте полипропилен (ПП) 72,0 млн тонн, на четвертом месте поливинилхлорид (ПВХ) 46,0 млн тонн. Согласно прогнозам, спрос на полимеры в ближайшие годы заметно вырастет. Возрастание спроса в полимерах приводит к расширению эффективности производства вместе с разработкой технологии переработки полимерных отходов и получению композиционных полимерных материалов и изделий на их основе. Кроме того особое значение имеет изучение термических характеристик разработанных композиционных материалов, а также их физико-механических и эксплуатационных свойств.

В настоящее время в мире ведутся научные исследования по разработке композиций из синтетических полимеров и их отходов и получению композиционных материалов на их основе. По некоторым данным использование пластика в развитых странах возросло до 1 тонны в год на душу населения. В этих условиях из года в год обостряется проблема переработки и повторного использования полимерных отходов. По поводу этого особое внимание уделяется разработке эффективной технологии переработки отходов, часто используемых полиэтилентерефталата и полиолефинов (полиэтилена, полипропилена), созданию на их основе ресурсосберегающих композиционных полимерных материалов, и изучению строения композиционных материалов, взаимосвязи между механическими свойствами, термических и эксплуатационных свойств.

В нашей республике проводятся мероприятия, как и во всём мире, направленные на решение продовольственной проблемы, в результате которой идет увеличение тепличных хозяйств, возрастание потребностей в чистой питьевой воде, приводящие, в свою очередь, к повышению потребностей в полиэтилене, полипропилене и полиэтилентерефталате. В независимые годы нашей Республики всё это явилось основой для организации производства полиэтилена, полипропилена, поливинилхлорида и композиционных материалов на их основе. На сегодняшний день производственная мощность АО «Навоийазот» составляет 100 тыс. тонн ПВХ в год, ГХК «Шуртан» имеет производственную мощность 125 тыс. тонн полиэтилена высокой плотности и полиэтилена низкой плотности в год, а производственная мощность ГХК Устюрт составляет 400 тыс. тонн этилена, 387 тыс. тонн полиэтилена высокой плотности, 83 тыс. тонн пропилена и полипропилена в год.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года за №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»¹, №УП – 5368 от 30 октября

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

2019 года «Концепция охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года», в Постановлениях от 20 октября 2018 года № ПП-841 «О мерах по реализации национальных целей и задач в области устойчивого развития до 2030 г.» и от 15 марта 2020 года №ПП-6079 утверждения Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В мировой практике значительный вклад в развитие переработки и получения изделий на основе отходов полимеров внесли ученые Н.С. Ениколопов, А.А. Тагер, В.Е. Гуль, В.Н. Кулезнев, А.А. Берлин, Ю.С. Липатов, Ю.Л. Морозов, В.С. Левин, В.И. Коростелев, М.В. Базунова, Ю.А. Прочухан, V.Sato Sadoa, Okura Tamaki, Г.А. Пилунов, З.А. Михитарова, Г.М. Цейтлин, С.С. Негматов, А.Т. Джалилов, Г.Р. Рахманбердиев, С.Ш. Рашидова, М.А. Аскарлов, Ф.А. Магруппов, А.Х. Юсупбеков, Р.И. Адылов, Н.С. Абед, Б.Ф. Мухиддинов, А.С. Ибадуллаев, А.А. Рискулов и др.

